

Абулқосимов Ҳасан Пирназарович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
ТДШУ грант иштирокчиси
Егамбердиев Шухрат Сатимбаевич,
иқтисодиёт фанлари бўйича PhD
ТДШУ грант иштирокчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада хуфёна иқтисодиётнинг моҳияти, намоён бўлиш шакллари, секторлари, коррупция, уларнинг ривожланиш сабаблари ва омиллари, оқибатлари ва унга қарши кураш усуллари таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: иқтисодиёт, хуфёна иқтисодиёт, иқтисодий хавфсизлик, таҳдид, коррупция, нолегал иқтисодиёт, “иккинчи” (“оқ ёқалилар”), “кул ранг” (“норасмий”), “қора” (“махфий”) яширин иқтисодиёт, криминал иқтисодиёт.

В статье приводится анализ сущности, форм проявления, секторы, коррупция, причины и факторы их развития, последствия и пути борьбы против теневой экономики.

Ключевые понятия: экономика, теневая экономика, экономическая безопасность, угроза, коррупция, нелегальная экономика, вторая «белая воротничковая», «серая» и «черная» теневая экономика, криминальная экономика.

Key words: economy, hidden economy, economic security, threat, corruption, illegal economy, “second” (“white collar”), “grey” (“informal”), “black” (“secret”) hidden economy, criminal economy.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Ислоҳотларимизга жиддий тўқсینлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди”¹, -деб таъкидлади. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши чоратадбирлар муҳим ўрин тутади. Криминал элементларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий муассасаларга, соҳаларга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига кириб бориши оқибатида миллий бойлик, давлат бюджети

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

даромадларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда иштирокининг кенгайиб бориши миллий ва шу жумладан иқтисодий хавфсизликка жиддий хавф солади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Яширин иқтисодиёт, коррупция, уюшган жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Яширин иқтисодиёт мавжудлигига дастлаб 20-асрнинг 30-йилларида эътибор бера бошладилар. 20-асрнинг 70-йилларидан бошлаб хуфёна иқтисодиётни илмий тадқиқ қилиш бошланди. Хуфёна иқтисодиётни таҳлил қилиш ривожланаётган мамлакатлар мисолида инглиз социологи К.Харт томонидан биринчилар қаторида бошланди. У “учинчи дунё” мамлакатларида қўплаб шаҳарликларнинг расмий иқтисодиётга алоқадор эмаслигини аниқлади. У норасмий иқтисодиёт атамасини илмий муомалага киритди. Даромад олишнинг формал ва ноформал шакллари ўртасидаги фарқ иш ҳақи ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш асосида топилган даромад ўртасидаги фарқ сифатида изоҳланди².

П.Гутман (АҚШ) хуфёна иқтисодиёт қўламига ва ролига эътибор қилиш лозимлигини асослади³.

20-аср 70-йилларнинг иккинчи ярми - 80 йилларнинг бошларида ривожланган мамлакатлар олимлари ва сиёsatчилари амалдаги хуфёна иқтисодиёт қўламлари расмий иқтисодиёт қўламларидан ортиқроқ эканлигини аниқладилар. Э. Фейг хуфёна иқтисодиёт кўлами 70-йилларнинг охирида АҚШ расмий ЯИМ нинг учдан бир қисмини ташкил этишини баҳолади⁴. Бу баҳо АҚШ Конгрессининг Иқтисодий қўмитасида маҳсус мухокама қилинди. 1991 йилда Женевада Европа статистикларининг яширин ва норасмий иқтисодиётга бағишланган конференцияси бўлиб ўтган. Унинг материаллари асосида ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида хуфёна иқтисодиёт статистикаси бўйича маҳсус кўрсатмалари нашр этилган⁵. Эндиликда кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт муаммолари иқтисодий фанда кенг тадқиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда хуфёна иқтисодиётнинг муҳим шаклларидан бири бўлган коррупцияга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. Аммо мазкур мавзу илмий иқтисодий адабиётларда кам ўрганилган. Бу эса ушбу мақола мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

² (Hart K. Informal Urban Income Opportunities and Urban Employment in Ghana //Journal of Modern African Studies.1973.Vol. 11. №1. P.61-90).

³ (Gutmann P. The Subterranean Economy // Financial Analysts Journal. 1977. №34. P.20)

⁴ Қаранг: Feige E.L., Feige E. How big is the irregular economy? // Challenge. 1979. Vol. 6. № 22. P. 5 – 13.

⁵ Қаранг: Наумов Ю.Г., Латов Ю.В. Экономическая безопасность и теневая экономика. Учебник. М.: Академия управления МВД России, 2016. – С.38.

Тадқиқот мақсади хуфёна иқтисодиётнинг мазмунини, намоён бўлиш шаклларини, ривожланиш омилларини таҳлил қилиш асосида унга қарши кураш бўйича илмий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари сифатида илмий абстракция, мантиқий анализ ва синтез, қиёсий ва иқтисодий-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Асосий натижалар куйидагилардан иборат:

- хуфёна иқтисодиёт тушунчасининг мазмуни ва намоён бўлиш шакллари очиб берилган;
- хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиш ва ривожланиш омиллари ўрганилган;
- хуфёна иқтисодиётни ўлчаш усуллари баён қилинган;
- хуфёна иқтисодиётга қарши кураш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Иқтисодий адабиётларда хуфёна иқтисодиётга турли таърифлар берилган:

1. Хуфёна иқтисодиёт қонун асосида ман қилинган фаолият турлари деб таърифланади.

2. Хуфёна иқтисодиёт иқтисодий фаолиятнинг кузатилмаган ва яширин фаолият тури.

3. Хуфёна иқтисодиёт расмий статистикада у ёки бу сабабларга қўра ҳисобга олинмаган ҳар қандай иқтисодий фаолият бўлиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ялпи ички маҳсулот таркибига киритилмайди ҳамда соликқа тортишдан четда қолади.

Хуфёналик (яширин) – шахсларнинг кундалик фаолиятни ташкил қилишда мавжуд ҳуқуқ(қонун) нормаларидан фойдаланишдан бўйин товлаш ва ёзилмаган ҳуқуққа, яъни анъаналар ва урф-одатларда қайд этилган нормаларга ҳамда мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш юзасидан келиб чиқсан низоларни ҳал этишининг ҳуқуқ доирасидан четга чиқувчи механизмларига мурожаат этишидан иборат⁶.

Иқтисодий фаолиятни яширин (хуфёна) амалга ошириш, биринчи навбатда, қонун доирасидаги ҳаракат билан, яъни юқори трансакция харажатлари билан боғлиқ. Трансакция харажатларининг таснифига асосланган ҳолда, таъкидлаш лозимки, бунда асосан шартномани тузишдаги юқори харажатлар, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари назарда тутилади. Перулик олим Фернандо де Сото ўзининг “Бошқа йўл” асарида ушбу харажатларни «қонунга бўйсуниш баҳоси», дея таърифлайди. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

⁶ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма. - Т.: Ноширлик ёғдуси, 2019.-485-бет.

- қонундан фойдаланиш харажатлари (юридик шахсни рўйхатга олиш, лицензия олиш, банкда ҳисобвараглар очиш, юридик манзилга эга бўлиш ва бошқа расмиятчиликларни бажариш харажатлари);

- қонун доирасида фаолиятни давом эттириш зарурати билан боғлиқ харажатлар (соликларни тўлаш); меҳнат муносабатлари соҳасида қонун талабларини бажариш (иш кунининг узунлиги, энг кам иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар); ошкора суд тизими доирасида низоларни ҳал этишда суд харажатларини тўлаш⁷.

Хуфёна иқтисодиётни тадқиқ қилишда иқтисодий, ҳуқуқий, ҳисобстистик, криминологик, кибернетик, комплекс ёндашувлар мавжуд. Иқтисодий ёндашувда хуфёна иқтисодиёт глобал, макро- ва микродаражада, шунингдек, институционал жихатлари тадқиқи қилинади. Ҳуқуқий ёндашувда тартибга солишининг норматив тизимиға муносабати, яъни расмий, давлат рўйхатига олишдан, назоратидан қочиш эътиборга олинади. Ҳисоб-стистик органларда рўйхатга ва ҳисобга олинмаган. Криминалогик ёндашувда жамиятга, шахсга заарар келтирувчи фаолиятлар ҳисобга олинади. Комплекс ёндашувда барча ёндашувлар ва критериялар асосида хуфёна иқтисодиёт тадқиқ қилинади. Кибернетик ёндашувда яширин иқтисодиёт ўзини ўзи тартибга соловчи ва бошқарувчи тизим сифатида қаралади. **Яширин иқтисодиётнинг ривожланишини прогнозлаштиришнинг иқтисодий-математик моделлари ишлаб чиқилади.**

Машхур иқтисодчи Э.Файг хуфёна иқтисодий ҳаракатларнинг тўртта хилини ажратади: нолегал (махфий, яширинча), ҳисобга олинмаган, рўйхатга олинмаган ва норасмий иқтисодий фаолият.

1. Нолегал иқтисодиёт. Нолегал тадбиркорлар таъкиқланган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда ва уларни тақсимлашда иштирок этади (гиёҳвондлик моддаларини ноқонуний ишлаб чиқариш, чайқовчилар томонидан валюта айирбошланиши ва х.к.).

2. Ҳисобга олинмаган иқтисодиёт. Ҳисобга олинмаган иқтисодиётдан олинган даромадлар солиқ органларига хабар қилинмайди.

3. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт ҳукумат статистика органларининг талабларига кўра белгиланган институционал қоидаларни четлаб ўтувчи иқтисодий фаолият туридан таркиб топган.

⁷ Қаранг: Сото Э. де. Иной путь. Невидимая революция в третьем мире. М.: Catallaxy, 1995-С.48-51; Наумов Ю.Г., Латов Ю.В. Экономическая безопасность и теневая экономика. Учебник. М.: Академия управления МВД России, 2016. – С.171-174 ; Беркинов Б.Б.Институционал иқтисодиёт: ўқув кўлланма / Б.Б. Беркинов; ЎзР олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт ун-ти, Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 61-62-бетлар.

4. Норасмий иқтисодиёт. Норасмий иқтисодиёт жамият фойдасини ҳамда мулкчилик муносабатларини, лицензиялашни, меҳнат шартномаларини, молиявий кредитлаш ва ижтимоий сугурталаш муносабатларини тартибга соловчи қонунлар ва маъмурий қоидалар билан белгиланган хукуқларни бузган ҳолда алоҳида харажатларни тежовчи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади⁸.

Хуфёна иқтисодиёт амал қилиши давлат иқтисодий хавфсизлигига потенциал ва реал хавф, таҳдид солади. У нормал иқтисодий жараёнларга, расмий иқтисодиётда содир бўладиган даромадларнинг шакланиши ва тақсимланиши, халқаро савдо, инвестициялаш, иқтисодий ўсиш жараёнларига таъсир кўрсатади.

Иқтисодиёт фанида иқтисодиётнинг қайси секторига, яъни норасмий, қриминал, фиктив, яширин ёки очик, расмий иқтисодиётга тегишли эканлигини аниклашда қуйидаги мезонлар асос қилиб олинади:

- давлатнинг фискал (солик) манфаатлари;
- ЯИМнинг реал ҳажми;
- хукуқий параметрлар;
- хўжалик субъектларининг ўзаро ҳаракати тавсифи.

Яширин иқтисодиёт уч секторга ажратилади:

- “иккинчи” (“оқ ёқалилар”);
- “кул ранг” (“норасмий”);
- “қора” (“махфий”) яширин иқтисодиёт.

“Иккинчи” яширин иқтисодиёт – бу “оқ”, яъни расмий иқтисодиёт ишчи ва ходимларининг ўз иш жойларида яширинча, қонун билан тақиқланган иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари бўлиб, натижада аввал яратилган миллий даромаднинг яширин қайта тақсимланишига олиб келади. Унинг асосий шаклларидан бири коррупциядир.

“Кул ранг” яширин иқтисодиёт – қонун томонидан тақиқланмаган, лекин рўйхатга олинмайдиган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи иқтисодий фаолиятдир.

“Қора” яширин иқтисодиёт (уюшган ва индивидуал жиноятчилик иқтисодиёти) – қонун томонидан тақиқлаб қўйилган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ ноқонуний иқтисодий фаолиятдир. Бу фаолиятга зўравонликка асосланган қайта тақсимлаш (ўғрилик, босқинчилик, товламачилик) ҳамда қонунга хилоф равишда таъкиқланган товар ва

⁸ Қаранг: Файғ Э. Определение и оценка подпольной и неформальной экономики: неоинституциональный подход. –М.: РТТУ,2000. –С.147-148; Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: ўқув қўлланма / Б.Б. Беркинов; ЎзР олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт ун-ти, Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 64-65-бетлар.

хизматларни ишлаб чиқариш (наркобизнес, қурол савдоси, одам савдоси, қимор ўйинлари, фоҳишабозлик, рэкет ва ҳ.к.) киради.

Хуфёна иқтисодиётнинг ривожланиш сабаб ва омиллари қўйидагилардан иборат:

- антропологик омиллар, яъни инсоннинг қарама-қарши табиати, ундаги яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ҳамда ҳасадгўйлик хусусиятлари;
- иқтисодий омиллар, яъни давлатнинг солиқ сиёсатидаги камчиликлар, бозорнинг товар ва хизматлар билан тўйинмаганлиги; иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ўртасидаги мувозанатнинг мавжуд эмаслиги; иқтисодиётнинг циклик тебранишлари, аҳоли харид қобилиятининг пастлиги; тадбиркорлик трансакция харажатларининг юқорилиги;
- ҳуқуқий омиллар, яъни қонунчилик базасининг такомиллашмаганлиги, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш механизмининг мукаммал эмаслиги; ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятининг самарасизлиги;
- ижтимоий-сиёсий омиллар, яъни ижтимоий-сиёсий вазият, давлатга ишонч даражаси;
- жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши даражаси; аҳолининг ижтимоий-психологик кайфияти; давлатнинг хусусий мулк ва секторга муносабати;
- ижтимоий омиллар: аҳолининг табақаланиши даражаси; ишсизлик даражаси; кам таъминланган аҳоли қатламларининг кўлами; меҳнат мигрантларининг кўплиги; меҳнат муносабатлари, меҳнат шароитлари, иш ҳақи тизими; ижтимоий кафолатлар, пенсия таъминоти;
- маъмурий омиллар: давлат бошқаруви тизимидағи камчиликлар; бюрократия, давлат хизматчиларининг компетентлик ва масъулиятлилик даражаси; тадбиркорларга маъмурий босим, хомийлик қилишга мажбурлаш даражаси ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатларда яширин иқтисодиёт кўламларини аниқлашда қўйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Индикаторлар услуби. Уларнинг таркибида тўғридан-тўғри ва билвосита (эгри) услублар мавжуд. Тўғридан-тўғри услублар ўз ичига маҳсус кузатув, сўровлар ўтказиш, айрим солиқ тўловчилар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги номувофиқликларни аниқлаш мақсадида текширишлар, таҳлиллар ўтказишни ўз ичига олади. Билвосита (эгри) услублар ўз ичига бандлик кўрсаткичлари бўйича, монетар услубларини ўз ичига олади.

2. Енгил моделлаштириш услуби, яъни детерминантларни баҳолаш. Ушбу услугда яширин иқтисодиётни аниқлаштирувчи жами кўрсаткичлар танлаб олинниб, унинг нисбий ҳажмлари хисобланади.

3. Структуравий таркибий услубларда турли ишлаб чиқариш тармоқларида яширин иқтисодиёт ҳажмлари түғрисидаги маълумотлар, ахборотлардан фойдаланилади.

4. Аралаш услубларда яширин иқтисодиёт ҳажмларига боғлиқ ўлчовлардан яъни детерминант ва индикаторларни ҳисобга олган ҳолда моделлар яратилади.

5. Яширин иқтисодиётни баҳолашда макроиктисодий кўрсаткичларни интеграл баҳолаш.

6. **Расмий статистика кўрсаткичларини турли қайта ва қўшимча ҳисоблашлар** асосида яширин иқтисодиётни ва унинг алоҳида элементларини баҳолаш¹.

Хуфёна иқтисодиётнинг асосий салбий оқибатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- хуфёна иқтисодиёт улуши катталашиб, унинг устувор, норасмий ва ғайриқонуний муносабатлар мухим ўрин тутувчи секторига айланиб боради;

- иқтисодиётда йирик молиявий групкалар (кланлар) шаклланади. Ўз фаолияти билан бу молия групкалари бозорда, асосий товар групкалари бозорида ва, айниқса, ташқи савдода рақобат курашини чеклайдилар. Бунинг оқибатида аҳолининг катта қисми қашшоқлашиб кетади;

- хуфёна иқтисодиёт ривожланиши оқибатида мамлакатнинг бюджет тизими бузилади, даромад ва харажатларини тақиқлаш ёки камайтириш, чеклашлар юзага келади;

- хуфёна иқтисодиёт миллий даромад истеъмол қилинишига, фойда қайта тақсимланишига олиб келади. Натижада иқтисодиётнинг аксарият аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминловчи тармоқлари (халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, таълим ва шу кабилар) инқирозга юз тутади;

- хуфёна иқтисодиёт вакиллари ўз капиталининг асосий қисмини хорижга олиб чиқиб жойлаштирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига 2019 йил 17 сентябрда “Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиёт: баҳолаш, сабаблари ва униқисқартириш йўллари” мавзусида ўтказилган давра сұхбатида Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан улуши 40-50%ни ташкил этиши баён қилинди.

БМТ Тараққиёт дастури консультантлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари ҳам ушбу давра сұхбатида эълон қилинди. Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиёт миқёсини монетар усуллар асосида, шунингдек, республика ҳудудларида 700 дан ортиқ корхоналар ва 30 нафар

¹ Каранг: Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность: Ростов на Дону: Феникс, 2007. С-171.

тадбиркор ўртасида сўровлар ўтказиш йўли билан баҳоланганд. Хуфёна иқтисодиётнинг асосий сабаблари солиқ турларининг, йиғимлар, мажбурий ажратмалар сонининг ва улар миқдорининг кўплиги эканлиги таъкидланди. Ушбу сабабларга корхоналарда етарли миқдорда маблағларнинг йўқлиги, банклар билан бўладиган ҳисоб-китобларни ва тўловларни амалга оширишдаги, хизмат кўрсатиш сифати, кредит ставкаларининг юқорилиги билан боғлиқ муаммолар ҳам киради. Ноиктисодий тавсифдаги сабабларга тадбиркорларнинг билим ва тажрибаларининг, рақобат, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етарли эмаслиги, бизнесни ташкил этиш ва юритишдаги маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги, коррупция ва мулк хуқуқининг ҳимоя қилинмаганлиги киради⁹.

БМТ тараққиёт дастури лойиҳаси доирасида монетар ёндашув асосида амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра, Ўзбекистонда “хуфёна иқтисодиёт” салмоғи 46,4 фоизни ташкил этади¹⁰.

Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиёт кўлламишининг катталигини норасмий иқтисодиёт секторида банд бўлган кишилар сонининг катталиги ҳам кўрсатиб турибди. 2020 йил 18 февраль куни Тошкентда «Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишининг янги босқичи, мамлакатни демократик модернизациялаша парламент ва ҳокимлик вакиллик органларининг ролини ошириш» мавзусида ўтказилган ҳалқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ўринbosari Б.Х.Умрзоқов «[2020 йил 1 январь ҳолатига] банд бўлган аҳоли сони 13 миллион 541 минг нафар кишини ташкил этади. Шундан 5 миллион 7 юз минг киши расмий меҳнат фаолияти билан шуғулланади. 8 миллионга яқини эса норасмий. Яъни бу тоифадаги инсонлар ҳар куни норасмий ишлаб, чўнтагини пулга тўлдириб уйга боришади. Болалари, мактаб, боғчалар ва ҳоказоларга беришади. Лекин давлатга булар бир тийин ҳам солиқ тўламайди, тўловларни қилмайди. Яъни давлатимизнинг қудратига, қувватига ҳисса қўшмайдиган 8 миллион аҳолимиз бор»¹¹, – деб маълумот берди. У президент мурожаатномасида айни шу тоифадаги инсонларни расмий секторга ўтказиш масаласи қўйилганини таъкидлади.

Бу борадаги ишлар 2019 йилнинг апрель ойида бошланган. Ҳар бир норасмий фуқаро ишлаётган корхона, муассаса, ташкилотларга огоҳлантириш

⁹ Специалисты выявили основные причины существования теневой экономики Узбекистана //<https://www.spot.uz/ru/2019/09/18/shadow/>

¹⁰ Одилжон Иминов. “Яширин иқтисодиёт”нинг яширинмаган сирлари //<http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/67316-yashirin-iqtisodiyotning-yashirinmagan-sirlari>

¹¹ Вазир ўринbosari: «Ўзбекистонда 8 миллионга яқин киши бир тийин ҳам солиқ тўламайди»//<https://kun.uz/news/2020/02/18/vazir-orinbosari-ozbekistonda-8-millionga-yaqin-kishi-bir-tiyin-ham-soliq-tolamaydi>

берилган. 2019 йил 1 сентябрига қадар ана шу тоифадаги инсонларни расмийлаштириш, расмий жиҳатдан тўловларни белгилаш масаласи қўйилган. 2019 йили қисқа муддатда 480 минг кишини норасмийдан расмийга ўтказилди. Норасмий банд бўлган аҳолини расмий бандга ўтказиш тезлик билан ҳал бўладиган масала эмас. Буни 3-4 йилда, кўрсаткичларни аста-секин оширган ҳолда амалга ошириш мумкин. Шу боисдан 2020 йилда тахминан 550 минг, кейинги 2021 йили 1 миллионга яқин кишини [расмий секторга] ўтказиш тадбирлари белгилаб қўйилган¹². Бундан кўриниб турибдики, норасмий секторда иш билан банд бўлган кишиларни расмий секторга ўтказиш чоратадбирларини амалга ошириш асосида хуфёна иқтисодиёт қўламини камайтиришга эришилади.

Ўзбекистонда норасмий иқтисодий сектор қўлами қишлоқ хўжалигидан анча кенг қўламга эга бўлиб, бу секторни дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлар улуши 2000 йилдаги 66,7%дан 2017 йилда 63,6%га камайди, аммо бу кўрсаткич 2018йилда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 70%ни ташкил этди (қаранг: 1-жадаал).

1-жадаал

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хўжалик категориялари бўйича ишлаб чиқариш (жамига нисбатан%)¹³

Хўжалик тоифалари	2000й	2016й	2016й	2017й	2018й
Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиги	66,7	63,7	65,1	63,6	70,0
Фермер хўжаликлари	5,5	34,1	32,9	34,7	27,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	27,8	2,1	2,0	1,7	2,7

Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига картошка, сабзавотлар, полиз, мева ва узум экин майдонларининг катта қисми тўғри келади. Шу боисдан унинг улуши дон экинлари ишлаб чиқаришда 2000 йилдаги 18,6%дан 2018 йилда 19,1%га, картошка шунга мос равишида 80,1%дан 88,4%га, мева ва резаворлар 58,9%дан 62,6%га, узум 33%дан 55%га ўсди. Уй хўжаликларида, яъни дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида уй чорва молларининг энг катта

¹² Вазир ўринбосари: «Ўзбекистонда 8 миллионга яқин киши бир тийин ҳам солиқ тўламайди»//<https://kun.uz/news/2020/02/18/vazir-orinbosari-ozbekistonda-8-millionga-yaqin-kishi-bir-tiyin-ham-soliq-tolamaydi>

¹³ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги/Сельское хозяйства Узбекистана.2011-2014й.-Т., 2015.-20-бет; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги/Сельское хозяйства Узбекистана.2014-2017й.-Т., 2018.-21-бет; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т., 2019.-84-бет

қисми тўпланган. Улар қаромогида 2018 йилда йирик шохли қорамолларнинг 93,6%, шу жумладан, сигирларнинг 94,5%, қўй ва эчкиларнинг 84,1%, паррандаларнинг 58% жамланган. Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари гўшт (тирик вазнда)нинг 92,6%ни, сутнинг 95,6%ни, тухумнинг 58,4%ни ишлаб чиқармоқда¹⁴.

Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги катта имкониятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ норасмий сектор, шу жумладан, дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Уларни расмий секторга ўtkазиш чора-тадбирларини амалга ошириш давом эттирилади.

Хуфёна иқтисодиётнинг асосий шаклларидан бири коррупциядир. Бунга 2018 йилда Ўзбекистонда иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, ҳокимият фаолиятига қарши рўйхатга олинган жиноятлар 3172 тани, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятлари 2103 тани ташкил этгани мисол бўлади. Мазкур жиноятларга қарши кураш натижасида уларнинг сони 2017 йилга нисбатан шунга мос равишда 33,5% ва 24,8%га камайган¹⁵. Transparency International халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти томонидан ҳар йили тузиладиган Коррупцияни ҳис этиш индексида Ўзбекистон 2016 йилда 156, 2017 йилда 157, 2018 йилда эса 158 ўринни эгаллаган. 2018 йилда рейтингнинг биринчи бешталикка Дания, Янги Зеландия, Финляндия, Сингапур ва Швеция киради. Ушбу рейтингда Қозогистон - 124, Қирғизистон-132, Россия-138, Тожикистон-152 ва Туркманистон 161-ўринни эгаллади. Собиқ СССР таркибига кирган мамлакатлар ичida Эстония биринчи йигирматаликка кирган. Коррупция даражасининг пасайиб бораётганлигига Эстонияда “электрон ҳукумат”нинг фаол жорий қилинаётганлиги сабаб бўлмоқда. АҚШда Transparency International эксперtlарининг баҳолашича, 2018 йилда коррупция ҳолати ёмонлашди. Мамлакатда коррупция бўйича балл 71 баллгача пасайди ва 2011 йилдан бери биринчи марта топ 20-талиқдан чиқиб кетди. Бунга сабаб қилиб АҚШда ҳокимиятнинг юқори поғоналарида этик нормаларнинг ёмонлашуви

¹⁴ O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA QISHLOQ XO`JALIGI KO`RSATKICHLARI/ NASHR ETILGAN: 17/07/2017//http: stat.uz; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т., 2019.-93-бет маълумотлари

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати.2018 йил январь-декабрь.-Т., 2019.-300-бет.

деган важ кўрсатилган. Коррупция бўйича глобал рейтингда Жанубий Судан, Сурия ва Сомали охирги ўринларни эгаллаган¹⁶.

Глобал коррупцион чақириқлар рейтингини The Risk Advisory Group (Риск хавфлари тўғрисида маслаҳат грухи) халқаро ташкилот ҳам тузади. Бу ташкилот “Коррупцион чақириқлар-2019” ҳисоботини эълон қилган. Ҳисобот Коррупцион чақириқлар даражаси” (« Уровень коррупционных вызовов»), “Коррупция таҳди” («Угроза коррупции»), “Коррупция тўғрисидаги маълумотларга эриша олмаслик” («Недоступность информации о коррупции») бўлимлардан иборат. “Коррупцион чақириқлар даражаси” индексининг уч бўлими бўйича Янги Зеландия, Австралия, Сингапур, Бирлашган Қироллик, Ирландия, Франция, Германия каби мамлакатлар коррупция даражаси энг паст бўлган мамлакатлар таркибига киритилди (қаранг: 2-жадвал).

2-жадвал

Коррупция даражаси энг паст бўлган мамлакатлар (2019 йил)¹⁷

Коррупцион чақириқлар даражаси	Коррупция таҳди	Коррупция тўғрисидаги маълумотларга эришиш қийинлиги (недоступность)
Янги Зеландия	Янги Зеландия	Янги Зеландия
Австралия	Сингапур	Австралия
Бирлашган Қироллик (Буюк Британия)	Ирландия	Бирлашган Қироллик (Буюк Британия)
Франция	Германия	Франция
Сингапур	Дания	Латвия
Латвия	Исландия	Малайзия
Чехия Республикаси	Норвегия	Чехия Республикаси
Эстония	Финляндия	Хиндистон
Ирландия	Япония	Италия
Гонконг	Люксембург	Сингапур

Коррупция даражаси энг паст бўлган мамлакатлар ўнлигига ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда Сингапур, Хиндистон каби ривожланаётган мамлакатлар ҳамда Чехия Республикаси, Латвия ва Эстония каби собиқ социалистик лагерга кирган республикалар ҳам киритилган.

¹⁶ Transparency: в Узбекистане ситуация с коррупцией ухудшается из года в год//<https://kun.uz/ru/news/2019/01/29/transparency-v-uzbekistane-situatsiya-s-korrupsiyey-uxudshayetsya-iz-goda-v-god>

¹⁷ В каких странах Центральной Азии наиболее высокий уровень коррупции?// <https://kun.uz/ru/news/2019/04/08/mvf-strany-s-vysokim-urovnem-korrupsii-sobirayut-menshe-nalogov>

Коррупция даражаси энг юқори бўлган мамлакатлар ўнлигига уч бўлим бўйича Туркманистон, Ливия, Сомали, Йемен, Марказий Африка Республикаси, Шимолий Корея, Конго Демократик Республикаси, Жанубий Судан, Сурия, Гвинея-Бисау, Эритрея, Авғонистон, Лаос ва Венесула каби мамлакатлар киритилган (қаранг: З-жадвал).

З-жадвал

Коррупция даражаси энг юқори мамлакатлар(2019йил)¹⁸

Коррупцион чақириқлар даражаси	Коррупция таҳди	Коррупция тўғрисидаги маълумотларга эришиш қийинлиги (недоступность)
Туркманистон	Ливия	Туркманистон
Ливия	Сомали	Ливия
Сомали	Йемен	Сомали
Йемен	Марказий Африка Республикаси	Йемен
Шимолий Корея	Конго Демократик Республикаси	Шимолий Корея
Жанубий Судан	Жанубий Судан	Жанубий Судан
Сурия	Сурия	Сурия
Конго Демократик Республикаси	Гвинея-Бисау	Конго Демократик Республикаси
Эритрея	Авғонистон	Эритрея
Laos	Венесула	Laos

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ушгу гуруҳдаги қўпчилик мамлакатларда турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шартшароитлар туфайли кризис ҳолатлари юз бераётган, иқтисодий ҳолати анча заиф мамлакатлар ҳисобланади. Шунингдек, бу мамдакатларда тадбиркорлик ва хорижий инвестиляр киритилиши учун ноқулай муҳит мавжуддир.

The Risk Advisory Group (Риск хавфлари тўғрисида маслаҳат грухи) халқаро ташкилоти эълон қилган “Коррупцион чақириқлар-2019” ҳисоботида Марказий Осиё мамлакатларида коррупция даражаси ўз ифодасини топган. Унга кўра уч кўрсаткич бўйича Қозогистон 50, Қирғизистон 52, Ўзбекистон 70,

¹⁸ В каких странах Центральной Азии наиболее высокий уровень коррупции?// <https://kun.uz/ru/news/2019/04/08/mvf-strany-s-vysokim-urovnem-korrupsii-sobirayut-menshe-nalogov>

Тожикистон 72 ва Туркманистон 96 балл тўплаб, глобал рейтингда қўйи поғоналарни эгаллаганлар (қаранг: 4-жадвал).

4-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида коррупция даражаси (2019йил, балл)¹⁹

Мамлакатлар	Коррупцион чақириклар даражаси	Коррупция таҳдиҳи	Коррупция тўғрисидаги маълумотларга эришиш қийинлиги	жами
Қозоғистон	28	10	12	50
Қирғизистон	29	10	13	52
Ўзбекистон	38	12	20	70
Тожикистон	39	13	20	72
Туркманистон	51	14	31	96

Айтиш лозимки, 2019 йилнинг март ойида Ўзбекистон Коррупцияга карши Стамбул ҳаракат режаси 20-мониторинг учрашувида тавсияларнинг бажарилиши бўйича тараққиётга эришганлиги учун энг юқори рейтингини олишга муваффақ бўлди²⁰.

Ўзбекистонда 2018 йилда 2017 йилга нисбатан талончилик 54,0%га, босқинчилик 42,2%га, фирибгарлик 32,8%га, гиёхвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар 10,4%га камайган²¹ бўлишига қарамасдан бу сектор жамиятга жиддий хавф туғдирмоқда.

Хуфёна иқтисодиётга қарши курашда қуидаги усууллардан фойдаланилади:

- **радикал-либерал**, яъни дастлабки жамғарилган капитал энг юқори суръатларига мақсадли чекловлар белгилаш йўли;
- **репрессив усууллар** хуфёна иқтисодий фаолиятга қарши ҳуқуқ-тартиб, хавфсизлик органлари фаолиятини кенгайтириш ва кучайтиришни тақозо этади;
- бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароитларни таъминлаш бўйича **қонунчиликни такомиллаштириш билан ҳуқуқий чоратадбирлар мажмуи**.

¹⁹ В каких странах Центральной Азии наиболее высокий уровень коррупции?// <https://kun.uz/ru/news/2019/04/08/mvf-strany-s-vysokim-urovnem-korrupsii-sobirayut-menshe-nalogov>

²⁰ В ОЭСР отметили улучшение ситуации с борьбой с коррупцией в Узбекистане

//<https://kun.uz/ru/news/2019/03/29/v-oesr-otmetili-uluchsheniye-situatsii-s-borboy-s-korrupsiyey-v-uzbekistane>

²¹ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати.2018 йил январь-декабрь.-Т., 2019.-300-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга 2020 йил 24 январда қилган мурожаатномасида “Тўртинчидан, афсуски, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди. Тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётганини Президент номига келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ҳам, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. **Коррупцияга қарши қурашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак мэрсаларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан қурашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”²², -деб таъкидлаган.**

Ўзбекистон Бош прокурори Нифматилла Йўлдошев Олий Мажлис Сенатининг 4-ялпи мажлисида коррупцияга қарши қураш ва унинг олдини олиш билан шуғулланувчи янги орган ҳақида маълумот берди. Унга кўра, янги орган республика даражасидаги агентлик ва унинг жойлардаги бошқармалари шаклида ташкил этилади. Мазкур агентликка коррупцияга қарши қурашни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади. Унга алоҳида хуқуқни муҳофаза қилувчи мустақил орган мақоми берилади. Агентлик ҳар бир коррупция ҳолати содир этилганда унга яратилган шароитни, коррупция хавфини танқидий ўрганади. Ҳар бир идорада ички коррупцияга қарши қурашиш назорат тизими бўйича таклифлар агентликка юборилади. Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан ҳар бир қонунда коррупциявий ҳолат йўқлиги бўйича ўтказиладиган хуқуқий экспертиза ваколати агентлик тизимига ўтказилади. Агентлик тезкор қидирав ишларини олиб боришида парламент аъзолари, президент администрацияси аъзолари, ҳукумат аъзолари, республика даражасидаги хўжалик юритувчи идора раҳбарлари, банк раҳбарлари, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими ва уларнинг ўринбосарлари даражасидаги мансабдор шахслар ишини ўрганади. Яъни агентлик фаолиятида майший коррупциядан элитар коррупцияни ўрганишга чиқилади. Мансабдор шахсларнинг қонун хужжатларига зид ҳаракатлари ўрганилади. Шунингдек, давлат харидлари,

²² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича жараённи назорат қилиш, декларация тизимини жорий этиш ишлари агентлик зиммасига юклатилади²³.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича эндиликда қуйидагилар белгиланган:

- бошқарув тизими сифатини оширишда “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш ;
- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;
- аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- бизнес муҳитини янада яхшилаш , тадбиркорларнинг хукуқларини самарали ҳимоя қилиш механизмини ривожлантириш;
- парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этиш ва унинг фаолиятини кучайтириш;
- коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиётга қарши кураш муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга бўлиб, бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- хуфёна иқтисодиётнинг норасмий, нокриминал ва криминал (жиноий) шаклларини аниқлаштириш;
- хуфёна иқтисодиётнинг норасмий, нокриминал, яъни “кул ранг” сектори иштирокчиларини легаллаштириш, расмий тадбиркорлик субъектларига ва ходимларига айланишларини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;
- криминал, жиноий тавсифдаги яширин иқтисодий фаолият классификациясини ҳамда уларни баҳолаш методларини жаҳон амалиёти тажрибасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқиш;
- илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини мақбул даражада қисқартириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, рақобат муҳитини шакллантириш ва ҳимоялаш;

²³ <https://zamin.uz/jamiyat/72743-maishij-korrupcijadan-jelitar-korrupcijani-rghanish-darazhasiga-chiiladi-bosh-prokuror.html>

- “Жиноий яширин иқтисодиётга қарши кураш тўғрисида”ги қонун ҳужжатини ишлаб чиқиши. Бу қонун Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни билан ҳамоҳанг бўлиши лозим;
- Идоралараро яширин иқтисодиётга қарши кураш комиссиясини ташкил этиши ва унга мамлакатимизда яширин иқтисодиётта ва коррупцияга қарши кураш олиб борувчи давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифалари юклатилиши мақсаддага мувофиқдир;
- олий ўқув юртларида “Хуфёна иқтисодиёт” фанини ўқитишни ташкил этиши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
3. Абулқосимов X.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув кўлланма.-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2019.-485-490-бетлар.
4. В ОЭСР отметили улучшение ситуации с борьбой с коррупцией в Узбекистане
[/https://kun.uz/ru/news/2019/03/29/v-oesr-otmetili-uluchsheniye-situatsii-s-borboy-s-korrupsiyey-v-uzbekistane](https://kun.uz/ru/news/2019/03/29/v-oesr-otmetili-uluchsheniye-situatsii-s-borboy-s-korrupsiyey-v-uzbekistane)
5. Голованов Е.Б. Теневая экономика. Конспект лекций.-Челябинск, 2015.- С.20-29.
5. Одилжон Иминов. “Яширин иқтисодиёт”нинг яширинмаган сирлари//<http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/67316-yashirin-iqtisodiyotning-yashirinmagan-sirlari>
6. Наумов Ю.Г., Латов Ю.В. Экономическая безопасность и теневая экономика. Учебник. М.: Академия управления МВД России, 2016. – С.57-68; 171-174.
7. Овсянникова И.П. Теневая экономика:учеб. пособие/И.П.Овсянникова; ФГБОУ ВО РГУПС.-Ростов н/Д, 2015.-С.80-97, 102.
- 8.Файг Э. Определение и оценка подпольной и неформальной экономики: неоинституциональный подход. –М.: РТТУ,2000. –С.147-148.
9. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т., 2019.